Подшивка - 2010
N1-52
I ой

Куч — адолатда

2010 йил,
7 январь,
пайшанба
№ 1 (255)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Янги мақсадларимиз юксак марраларга етаклайди

ЯНГИ ЙИЛ. Бу йил ҳам у юртимизга ўзгача шукуҳ билан кириб келди. Халқимиз осудалик, тинчлик ва яратувчанликни нечоғлик қадрласа, байрамларни ҳам шундай яхши кўради. Айниқса, янги йил ҳар бир оилада тўкин дастурхон атрофида кўтаринки кайфият ва яхши ниятлар ила қарши олинади. Бу йил ҳам шундай бўлди.

Янги — 2010 йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолганда телеканалларимиз орқали давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги ўқиб эшиттирилгани юртдошларимиз кайфиятини янада кўтариб юборди. Унда таъкидланган қуйидаги жумлалар ҳар бир кўнгилда ҳамоҳанг тарзда жаранглади:

"Айни мана шундай унутилмас, гўзал оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азиз юртдошларимга янги йилда оилаларингизга шоду хуррамлик, сиҳат-саломатлик, бахту саодат, янги омадлар ёр бўлишини, кексаю ёш, ҳар қайси инсон қалбининг тўрида бўлган энг ёруғ орзу-ниятлар ушалишини чин юракдан тилайман."

Якунига етган 2009 йилда бутун жаҳон миқёсида давом этган молиявий-иқтисодий инқироз қанча давлатларни боши берк кўчага етаклади. Ишлаб чиқариш издан чиқиб, оммавий ишсизлик юзага келди. Бу хавфнинг олдини олиш, унинг мамлакатимизга таъсирини юмшатиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини берганини нафақат халқимиз, балки кўплаб халқаро иқтисодий таҳлилчилар ҳам эътироф этгани эътиборга лойиқ. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, *"Бугун ўз салбий таъсирини ўтказаётган инқирозга қарамасдан, 2009 йилнинг ўзида ялпи ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 33,0 фоизга ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошгани бунинг яққол далили ва исботи десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз".*

Якунланган йилнинг **"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"** деб номлангани ва мазкур йилда қабул қилинган Давлат дастури асосида амалга оширилган ишлар кўлами мамлакатимизда халқнинг турмуш даражасини яна бир поғонага кўтаришга хизмат қилди. Обод қишлоқлар, кўркам хонадонлар бунёд этилгани, маиший хизмат кўрсатиш тизими тубдан такомиллаштирилгани қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлди. Давлатимиз раҳбарининг байрам табригида қайд этилганидек, *"Шу борада бошлаган эзгу ишларимизнинг моҳияти ва кўламини, давлатимизнинг бу масалага қандай улкан аҳамият бераётганини ушбу дастурни бажариш учун барча манбалар ҳисобидан шу йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани ҳам кўрсатиб турибди".*

Кириб келган янги — 2010 йилга Президентимиз ташаббуси билан **"Барқамол авлод йили"** деб ном берилгани ҳам юртдошларимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Чунки бугунидан кўра эртасига кўпроқ қайғурадиган, фарзанд камолини ҳар нарсадан устун қўядиган болажон халқимиз бу номнинг шарофати жондан азиз болалари манфаатига хизмат қилажагини дилдан ҳис этади.

(Давоми иккинчи бетда)

Президентимиз Ислом Каримовнинг Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузасида юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Yangi qonun mohiyati

Вояга етмаганлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолати

бу борадаги қонунчилик янада такомиллаштирилди

Бинобарин, Бош қомусимизда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Бинобарин, Халқаро меҳнат ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари ва бошқа ҳужжатларда кўзда тутилган ҳар бир фуқаронинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясининг Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши, Конституциямизнинг муқаддимасида таъкидланганидек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларининг устунлиги тан олинганлигидан далолат беради.

Айниқса, Конституциянинг 37-моддасида ходимларнинг адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқининг мустаҳкамлаб қўйилиши уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга оид қонунчилик механизмининг янада ривожланиши ҳамда такомиллашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва амалда тадбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, 1993 йил 6 майда ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгиловчи ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат — "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

2009 йил 24 ноябрь | № 13 | Тошкент шаҳри

Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундириш амалиёти тўғрисида

Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундиришга оид суд амалиёти натижаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мазкур масала юзасидан судлар фаолиятида жиддий камчиликлар мавжудлигини таъкидлайди.

Судлар томонидан жиноят иши бўйича сарф қилинган процессуал чиқимларни маҳкумлардан ундириш борасида, кўпинча, қонунга хилоф тарзда зарур чоралар кўрилмаяпти; дастлабки тергов органларидан айблов хулосасига улар томонидан сарф қилинган процессуал чиқимлар тури ва миқдори тўғрисида маълумотномалар илова қилиш талаб этилмаяпти; маҳкумлардан ундирилиши лозим бўлган процессуал чиқимлар етарли асосларсиз давлат ҳисобига ўтказиляпти; шахс айб эълон қилинган моддалардан бири бўйича оқланган ёки айб эпизодларидан бири ёки бир нечтаси чиқарилган ҳолларда мазкур айблов ёхуд эпизод бўйича далилларни йиғиш ва текшириш билан боғлиқ процессуал чиқимлар маҳкумларга асоссиз равишда юкланаяпти.

Судлар Жиноят-процессуал кодексининг 471-моддаси 3 банди ва 320-моддасини бузиб, қатор ҳолларда процессуал чиқимлар кимга ва қанча миқдорда юкланиши лозимлигини ҳал этишмаяпти ва ҳукмда кўрсатишмаяпти; баъзан бунда Жиноят-процессуал эмас, балки Фуқаролик процессуал кодексига амал қилишмоқда, айрим ҳолларда, процессуал чиқимларни давлат фойдасига эмас, балки муайян шахслар ёки ташкилотлар фойдасига ундиришмоқда; иш бўйича бир неча шахс судланганда процессуал чиқимларни ҳиссали эмас, балки солидар тартибда ундиришмоқда.

Судлар ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш чоғида процессуал чиқимларга оид масала ҳукмда тўғри ҳал этилганлигини текширишга етарли эътибор беришмаяпти; бундай масала ҳукмда ҳал этилмаган ҳолларда судлардан йўл қўйилган хатоларни ЖПК 541-моддасида назарда тутилган тартибда тузатишни талаб этишмаяпти.

Юқорида қайд этилган камчиликлар шунга олиб келмоқдаки, жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимлар тўлиқ ундирилмаслиги оқибатида давлатга зарар етказилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундиришга оид суд амалиётида мавжуд камчиликларни бартараф этиш, судлар томонидан қонун нормалари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундириш тўғрисидаги қонун талабларини қатъий бажаришга қаратилсин.

2. Тушунтирилсинки, ЖПК 318-моддасига мувофиқ жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимлар қуйидагилардан иборат:

жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек, суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммадан;

доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотидан чалғитганлик учун тўланадиган суммадан;

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

Тадбиркор — қонун ҳимоясида

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожи барқарор иқтисодиётни шакллантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлмоқда. Бунда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этаётир.

Айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси изчил таъминланаётгани уларнинг эркин фаолият юритишига замин яратяпти. Хусусан, Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рўйхатдан ўтказувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўтган йилнинг 9 ойи давомида вилоят адлия бошқармаси тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши бўйича 117 та идора ва ташкилотларда ўрганишлар ўтказиб, бир қатор қонунбузилиш ҳолатларини аниқлади. Қонунбузилишларни бартараф этиш ва уларга келгусида йўл қўймаслик, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш мақсадида киритилган 103 та тақдимномага асосан 148 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 3 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ундирилган 3019,1 минг сўмлик маблағ эгаларига қайтарилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар асосида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган дастур қабул қилинди ва у изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Huquqiy ma`rifat

Далил — ҳақиқатни аниқлаш манбаси

Маълумки, ҳар қандай ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, шу жумладан, жиноятга ижтимоий хавфлилиги даражасидан келиб чиқиб, жазо тайинланади. Жиноят процессуал кодексининг 15-моддасида **«Суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт»**, дея қайд этилган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 23-моддасида белгиланганидек, **«Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади».**

Демак, жиноят содир этилган ёки содир этилмаганлиги, айбдорнинг жиноятга дахли бор ёхуд йўқлиги, унинг айби қанчалик жазога лойиқлиги иш ҳолатлари, жумладан, мавжуд далилларни текшириш, баҳолаш, шунингдек, уларнинг мақбул деб топилишига бевосита боғлиқдир.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дамларданоқ фуқароларнинг тинч-фаровон яшаши учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айни шу мақсадда шакллантирилган миллий қонунчилик асослари изчиллик билан такомиллаштирилиб борилаётир.

Суд-ҳуқуқ тизимида жиноий жазоларнинг либераллашуви жаҳоннинг таниқли ҳуқуқшунос экспертлари томонидан фуқароларни адолатли ҳимоя қилишнинг кафолати, дея эътироф этилган.

Mezon

Суд қарори

уни бажариш барча учун мажбурийдир

Шу маънода ўтган даврда мамлакатимизда билиб-билмай ёки эътиборсизлик натижасида содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллаш кенгайди. Зеро, жазонинг оғирлиги эмас, балки унинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорида жазо тайинлаш масалаларини тартибга солувчи қонун меъёрларини тўғри қўллашни таъминлаш мақсадида судларга аниқ тушунтиришлар берилган.

Мазкур қарорда жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиш лозимлиги таъкидланган.

Ушбу Пленум қарорига кўра, жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд айбдорнинг амалда тўлай олиш қобилиятидан келиб чиқиши лозим. Бунда судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлигини инобатга олиши шартлиги ҳам ўз ифодасини топган.

Жарима жазосининг афзал жиҳатларидан бири шундаки, шахснинг, энг аввало, оиласи бағрида яшаб, эркин ишлаш имконияти сақланиб қолади, судланганлик ҳолати ҳам бошқа жазо турларига нисбатан қисқа муддатда тугайди. Фақатгина белгиланган муддатда жаримани тўлаш талаб қилинади, холос.

(Давоми учинчи бетда)

Ушбу сонда:

Бир умрлик бахтнинг калити
дабдаба эмас, меҳр-оқибат — 4

4

Ҳалоллик инсон умрини безайди — 3

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

ҚАРОРИ

Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундириш амалиёти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

экспертларга, таржимонларга, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақдан, ана шу вазифалар хизмат топшириғи тартибида бажарилган ҳоллар бундан мустасно;

ушбу Кодекснинг 50-моддасига мувофиқ судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақдан;

ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш билан боғлиқ харажатлар суммасидан;

экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган суммадан;

шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган харажатлардан;

жиноят ишини юритишда қилинган бошқа харажатлардан.

3. Процессуал чиқимларга тегишли бошқа харажатлар деганда, жиноят иши бўйича бевосита шахснинг айбдорлигига доир далилларни тўплаш ва текшириш юзасидан суриштирув, тергов органлари ва судлар томонидан қилинган сарф-харажатлар тушунилади. Бошқа харажатларга, жумладан, тергов эксперименти ёки экспертиза ўтказиш чоғида бузилган ёки йўқ қилинган нарсалар қийматини қоплаш; жиноят ишини алоҳида иш юритувга ажратиш; таниб олиш учун кўрсатилган шахслар (айбланувчилардан ташқари) харажатларини қоплаш билан боғлиқ сарфлар киритилиши мумкин.

4. Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларга қуйидагилар кирмайди:

гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, холис, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси тариқасида чақириладиган шахснинг суриштирув, тергов органлари, прокурор ёки судга чақирилганлиги билан боғлиқ вақт учун уларнинг иш жойида сақланиб қолувчи ўртача иш ҳақи;

эксперт, мутахассис, таржимонга у суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақ, башарти бу вазифалар хизмат топшириғи тартибида бажарилганда;

мазкур ишни суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судда юритиш билан боғлиқ девонхона ва почта харажатлари.

5. Судлар ҳар бир жиноят ишини ўз иш юритувига олиш пайтида дастлабки тергов органлари томонидан ЖПК 380-моддаси биринчи қисмининг айблов хулосасига процессуал чиқимлар тури ва миқдорига доир маълумотнома илова қилиниши тўғрисидаги талаби бажарилганлигини текширишлари лозим. Бундай маълумотнома ярашув тўғрисидаги ариза, ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор билан судга юбориладиган иш бўйича ҳам илова этилиши шарт.

Дастлабки тергов даврида қонуннинг ушбу нормаси талаби бажарилмаганлигини аниқлаган тақдирда, судья қонун аналогияси бўйича (ЖПК 398-моддаси) терговчи зиммасига тегишли маълумотномани тақдим этиш вазифасини юклайди.

6. Тушунтирилсинки, ЖПК 471-моддаси 3 бандига кўра, процессуал чиқимларга доир масала ҳукмда (ажримда) ҳал этилиши шарт бўлиб, унда чиқимлар кимга ва қай миқдорда юкланиши кўрсатилади.

Процессуал чиқимларга доир масала ҳукм (ажрим) чиқариш пайтида ҳал этилмаган ҳолларда, бу масала ҳукм (ажрим) чиқарган суд томонидан ЖПК 541-моддаси тартибида ҳал қилиниши лозим.

7. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ЖПК 320-моддаси биринчи қисмига мувофиқ жиноят ишини тергов қилиш ва судда кўришда сарф қилинган чиқимлар давлат фойдасига маҳкумлардан ундирилади, таржимонга тўланган суммалар, шунингдек, ЖПК 320-моддаси олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Процессуал чиқимлар, шунингдек, ярашув, амнистия акти ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши муносабати билан жиноят иши тугатилган шахслар зиммасига ҳам юкланиши мумкин.

Агар иш бўйича бир неча шахс айбдор деб топилган бўлса, процессуал чиқимлар улардан солидар эмас, балки улардан ҳар бирининг айби характери, содир этилган жиноят учун жавобгарлиги даражаси ва мулкий аҳволини ҳисобга олган ҳолда ҳиссали тартибда ундирилади.

8. Тушунтирилсинки, қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда процессуал чиқимлар жиноят процессининг бошқа иштирокчиларидан ундирилиши мумкин, жумладан:

суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилганда келмаган процесс иштирокчисидан — ишнинг судда кўрилиши ёки тергов ҳаракатлари ўтказилиши унинг узрсиз сабабларга кўра келмаслиги оқибатида кечиктирилган ҳолларда;

тегишли адвокатлар тузилмасидан — адвокат суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилганда узрсиз сабабларга кўра келмаганда;

жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатиладиган иш бўйича иш юритиш унинг аризасига кўра бошланган шахсдан – мазкур иш бўйича судланувчи оқланган тақдирда.

Суд вояга етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича процессуал чиқимларни тўлашни маҳкумнинг ота-онасига ёки улар ўрнини босувчи шахслар зиммасига юклаши мумкин, башарти вояга етмаган шахс хулқ-атвори устидан тегишли назорат йўқлигида уларнинг айби мавжуд бўлганда.

9. Судлар шунга эътибор беришлари лозимки, процессуал чиқимлар қуйидаги ҳолларда давлат ҳисобига ўтказилади:

судланувчи оқланган ёки иш ушбу Кодекснинг 83-моддасига мувофиқ тугатилган тақдирда. Судланувчи бир айблов бўйича оқланган, бошқа айблов бўйича эса айбли деб топилган бўлса, суд у айбли деб топилган айблов билан боғлиқ процессуал чиқимларни тўлашни унинг зиммасига юклайди;

процессуал чиқимлар ундирилиши лозим бўлган маҳкум мулкий жиҳатдан уни тўлашга қодир бўлмаган тақдирда. Процессуал чиқимларни тўлаши маҳкумнинг қарамоғида бўлган шахсларнинг моддий аҳволига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суд маҳкумни процессуал чиқимларни тўлашдан бутунлай ёки қисман озод этишга ҳақли.

Таржимонга ва адвокат хизматига тўланиши лозим бўлган суммалар билан боғлиқ процессуал чиқимлар ҳам, агар маҳкум ҳуқуқий ёрдам учун ҳақ тўлашдан озод этилган бўлса, давлат ҳисобига ўтказилади.

Суд ёки судья процессуал чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилиши лозимлиги тўғрисида фикрга келган ҳолларда ҳукмда бундай қарор асослантириб берилиши шарт.

10. Процессуал чиқимларни ундириш масаласини ҳал этиш чоғида судлар процессуал қонунчилик билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги «Адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 26 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган **«Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида»**ги Низомга риоя этишлари лозим.

11. Судлар ишларни апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш чоғида процессуал чиқимлар тўғри ундирилишига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Процессуал чиқимлар нотўғри ундирилаётганлиги фактлари аниқланган ҳолларда йўл қўйилган хатоларни тузатиш чоралари кўрилсин.

12. Судларга бу масалада уларнинг фаолиятида мавжуд хато ва камчиликларнинг олдини олиш мақсадида процессуал чиқимларни ундириш амалиётини вақти-вақти билан ўрганиш ва умумлаштириш тавсия этилсин.

13. Мазкур қарор қабул этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги «Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатлари ва жиноят ишлари юзасидан суд чиқимларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси **Б.МУСТАФАЕВ**

Пленум котиби,
Олий суд судьяси **Ю.ТУРСУНБАЕВ**

2010-yil — Barkamol avlod yili

Янги мақсадларимиз юксак марраларга етаклайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида жамиятнинг қуйи бўғини — оилани ҳар томонлама муҳофаза қилиш, унинг ҳуқуқий асосларини тобора мустаҳкамлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, маънавий етук, жисмоний соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёсдир. Шу боис оилани ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оила кодексида **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш"** қоидаси акс эттирилгани соғлом оилаларни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Мазкур кодекснинг 17-моддасида никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтиши, тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши белгилаб қўйилган.

Қайд этиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори асосида юртимизда 2004 йил 1 январдан бошлаб, барча никоҳланувчи шахслар руҳий, наркологик касалликлар, тери-таносил, сил касалликлари ва ОИВ (ОИТС) бўйича тиббий кўрикдан ўтиши йўлга қўйилди. Низомга кўра, тиббий кўрикдан ўтиш муддати никоҳланувчи шахслар тиббий муассасага мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак.

Амалга оширилаётган бундай изчил чора-тадбирлар туфайли юртимиз ҳозирги кунда оналик ва болалик муҳофазаси бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирига кўтарилди.

Мамлакатимизда оила қуриш арафасидаги ёшлар бир-бирининг саломатлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишини таъминлаш орқали келгусида бефарзандлик, жисмоний, руҳий ривожланишида нуқсони бўлган бола туғилишининг олдини олишга, никоҳланувчилардан бирининг соғлиғи билан боғлиқ нохушликлар боис ажрашишларнинг камайишига эришилмоқда.

— Бунда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ҳам алоҳида ўрни бор, — **дейди Адлия вазирлигининг нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Дилбаҳор ЁҚУБОВА.** — Чунки янги оила мазкур идоралар томонидан никоҳ қонуний расмийлаштирилганида вужудга келади. Шаклланаётган оила нафақат покиза туйғулар, балки икки ёшнинг ҳар томонлама баркамоллигидан таркиб топса, "Соғлом оила — соғлом фарзанд" тамойили тўлиқ амалга ошади. Ҳозирги кунда соҳа ходимлари нафақат никоҳни расмийлаштиришга ариза бераётган ёшлар, балки аҳолининг барча қатламлари орасида бахтли оила ва баркамол авлод бунёд этиш борасида уларнинг масъуллиги масаласига бағишлаб кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда. Тиббий кўрик пайтида аниқланаётган айрим хасталикларни никоҳдан аввал даволашга эришилаётгани оилаларнинг мустаҳкамлиги ва фарзандлар саломатлигига хизмат қилмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг 2009 йилда **"Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори қабул қилиниб, 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқлангани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Ушбу ҳужжатлар ижросини изчил таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Камолга етаётган ёшлар қамраб олинган таълим даргоҳларида "Ёш оила қурувчилар" мактаблари фаолияти ривожлантирилмоқда. Мазкур тизимда тиббий кўрик, оила қуриш, уни мустаҳкамловчи омиллар, ота-оналик масъулияти, фарзанд тарбияси каби масалалар бўйича ахборот-таълим дастурлари амалга оширилаётир. Тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ўтказилаётган бундай тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ёшларимизда тиббий кўрикка нисбатан қизиқиш ошаётир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 1999 йилда расмий никоҳдан ўтаётган келин-куёвларнинг тўйдан олдин тиббий текширувдан ўтиш даражаси 40-50 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич юз фоизга етди.

Президентимизнинг янги йил табригида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган: *"Шу боис барчамиз ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир"*.

...Янги йилнинг дастлабки ҳафтаси ҳам якунига етмоқда. Аммо юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи ҳамон кезиб юрибди. Бу мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик, фаровонликнинг меваси, десак, асло муболаға бўлмайди. Айниқса, болажонлар қувончининг чеки йўқ. Чунки улар учун юртимизнинг барча гўшаларида театрлаштирилган байрам томошалари давом этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фарзандларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши йўлида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг пировард мақсадини ташкил этади. Янги йил арафасида юртимизда анъанавий тарзда ўтказилувчи "Президент арчаси" байрам тантаналари бунинг амалдаги яна бир тасдиғидир. "Sen Yolg"iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирга шаҳардаги барча Меҳрибонлик уйлари, SOS – Болалар шаҳарчаси, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари қатнашди. Эътиборлиси, бундай тадбир Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳам ташкил этилди. Тантанада қатнашган кичкинтойларга Президент совғалари топширилди.

Қорбобо, Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари кичкинтойларни жўровозликда қўшиқ куйлашга, шўх-шодон рақсга тушишга чорлайди. Арча атрофида болаларнинг беғубор кулгиси янграйди. Бундай манзарани бугун мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонидан тортиб барча маданият ва истироҳат боғлари, вилоят ва туман марказларида, театрлар ва маданият уйлари саҳналарида кўриш мумкин. Шўх-шодон куй-қўшиқлар нафақат болажонлар, балки катталарга ҳам хуш кайфият улашмоқда. Бундай саодатли онлар нафақат ўзимиз, балки юртимиз иқболи йўлида янги марралар сари интилишимизга куч бағишлайди. Жорий йилда ҳам юқоридаги каби хайрли ишлар давом этиб, булар шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётида муҳим из қолдиришига шубҳа йўқ.

Зеро, Президентимиз қайд этган қуйидаги сўзлар ҳам бизни барча имконият ва салоҳиятимизни тўла намоён қилиб, самарали меҳнат қилишга даъват этади: *"Шуни ҳам катта мамнуният билан қайд этмоқчиманки, кириб келаётган 2010 йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини камида 30 фоизга кўпайтириш кўзда тутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг янги йил олди кайфиятига, албатта, янги қувонч бағишлайди"*.

Норгул АБДУРАИМОВА,
журналист

Qonun ko`magi

Тадбиркор — қонун ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Уларнинг манфаатида судларга 646185,8 минг сўмлик 72 та даъво аризаси киритилиб, 420651,8 минг сўмлик 67 та даъво аризаси қаноатлантирилди, тадбиркорларга етказилган 1435,5 минг сўмлик моддий зарар суд тартибида ундириб берилди.

Шунингдек, асосий эътибор тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқини паймол этган мансабдор шахсларни суд орқали жавобгарликка тортиш масаласига қаратилиб, ҳуқуқбузарлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилмоқда.

Масалан, ОАТБ "Агробанк" Наманган вилояти бошқармасининг банк жараёнлари бўлимида ўтказилган ўрганишда банк ходими томонидан тадбиркорлик субъектларининг мурожаатини кўриб чиқишда **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги қонун талаблари бузилганлиги аниқланиб, унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2009 йил 15 июндаги қарорига кўра, ҳуқуқбузар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида бошқармада ташкил этилган "Ишонч телефони" орқали уларнинг фаолиятида юзага келган тушунмовчилик ва амалдаги қонунчилик юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар бериб келинмоқда ва шу билан бирга уларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминланмоқда. Хусусан, "Ишонч телефони"га мурожаат этган 43 нафар тадбиркорга амалдаги қонунчилик бўйича батафсил ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Шунингдек, бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан мурожаат қилган 22 нафар тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқи тикланди. Жумладан, Косонсой туманидаги "Миркомилавтотеххизмат" масъулияти чекланган жамиятининг ДАТ "Халқ банки" туман филиалидан норози бўлиб қилган мурожаатини ўрганишда жамият томонидан банк филиалига 2009 йил 9 июнда ходимлар иш ҳақи учун 775,0 минг сўм пул маблағини олиш мақсадида 0650581-сонли чек тақдим этилганлиги, бироқ жамият депозит ҳисоб рақамида шу кунда 1570,6 минг сўм пул маблағи бўлишига қарамай, нақд пул берилмаётганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича банк филиали касса бўлими мудирига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241^1-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилди ҳамда суд қарорига кўра, банк ходимига нисбатан 196280 сўм маъмурий жарима белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори талабидан келиб чиқиб, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ўтказилган ўрганишларда жами 28 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқи бузилганлиги аниқланди. Шундан, 8 та юридик ва жисмоний шахсни давлат рўйхатидан ўтказишда ортиқча ундирилган 210300 сўм бож ҳақи ҳамда банкларда ҳисоб рақам очишда 20 нафар тадбиркордан ортиқча олинган 259978 сўм тўлов суд тартибида ва киритилган тақдимномаларга асосан эгаларига қайтарилди. Жумладан, давлат рўйхатидан ўтказишда Уйчи, Наманган ва Косонсой тумани ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан "Садарайҳон сервис", "Зулайҳо Зилола Файз", "Камол саноат савдо" ва "Гулафзо Лобар" хусусий корхоналари, "Адашалиев Жалолдин Файз" ҳамда "Олтин жўжа баракаси" фермер хўжаликларининг ҳар биридан 28040 сўмдан ортиқча давлат божи ундирилган.

Адлия бошқармаси томонидан кўрилган тегишли чоралар натижасида ушбу маблағлар белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига қайтарилди.

Тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш мақсадида жойларда тадбиркорлик субъектлари, ҳокимлик ва назорат қилувчи идораларни жалб этган ҳолда кенг кўламдаги ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ҳам ўтказиб келинмоқда. Тадбирларда бошқарма томонидан тайёрланган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами тарқатиб борилмоқда.

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг йўлга қўйилганлиги уларнинг эркин фаолият кўрсатиши ва мақсадларини рўёбга чиқаришини кафолатлайди. Халқимизнинг фаровонлиги ҳамда иқтисодиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшиб боришларида адлия идоралари уларни мунтазам равишда ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб боради.

Шерали МАҲМУДОВ,
Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Islohot va samara

Жазонинг

Бу ҳаётда одам гоҳида билиб, гоҳида билмай хатога йўл қўяди. Табиийки, ғишт қолипдан кўчгач, қилган ишига пушаймон бўлиб, афсус чекади. Собиқ шўро даврида кечиримлилик деган тушунча йўқ эди. Айбдор айбини бўйнига олгани билан барибир қамоқ жазосига ҳукм этиларди. Бундан маҳкумнинг фақат ўзи эмас, унинг оила аъзолари, яқинлари ҳам азият чекишарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, суд-ҳуқуқ соҳасида ўтказилаётган туб ислоҳотлар самараси туфайли жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши инсон манфаатлари дахлсизлигига йўл очди. Айбини тушуниб етган, хатосини тузатган, етказилган зарар ўрнини қоплаган шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари қўлланиладиган бўлди.

«Навбаҳор пахта тозалаш» масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси Умар Мирзаев, жамиятнинг марказий омбори мудири Феруз Рўзиев ва мол-мулк ҳисобчиси Ҳусан Ҳомидов мансабдор ва моддий жавобгар шахс бўла туриб, ўзларига берилган ваколатдан нопок мақсадда фойдаланишган. Пахта ҳосилини қайта ишлашдан олинган тола, момиқ ва бошқа иккиламчи маҳсулотларни тойлашда ишлатиладиган пўлат симлар харидоргир эканлигини билганлари ҳолда жиноий тил бириктиришган.

Маҳсулотларни тойлаш учун «Навоий пахтасаноат уюшмаси» акционерлик бирлашмасига қарашли «Техника таъмирлаш ва таъминот» масъулияти чекланган жамиятидан шартнома асосида 2007 йилнинг 14 сентябридан 2008 йилнинг 26 июнига қадар жами 555 минг 528 дона боғлов учун пўлат сим келтирилган. Бош муҳандис У.Мирзаев, марказий омбор мудири Ф.Рўзиев мол-мулк ҳисобчиси Ҳ.Ҳомидов 2008 йилнинг январидан 2008 йилнинг июль ойига қадар жамиятнинг катта усталари жавобгарлигига пўлат симлар берилганлиги тўғрисидаги юк хатларига аслида олинмаган 78 минг 921 дона пўлат симни қўшиб ёзишган. Ушбу жиноий фаолият натижасида қўлга киритилган симларни дастлабки тергов ва судда аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб юборишган. Натижада улар ўзларига ишониб топширилган 35 миллион 514 минг 450 сўмлик боғлаш учун ишлатиладиган 78 минг 921 дона пўлат симни талон-торож этишган.

Шундан сўнг судланувчилар — У.Мирзаев, Ф.Рўзиев ва Ҳ.Ҳомидовлар жиноий режага асосан ўзлаштирилган пўлат симлар камомадини ёпиш, содир этган жиноятларини яшириш, гўёки бу симлар қонуний тартибда чиқимга чиқарилган деб кўрсатиш мақсадида чора ахтаришган. 78 минг 921 дона камомад пўлат симдан 66 минг 533 донасининг металлом учун «Навоийиккиламчикораметалл» корхонасига топширилганлиги ҳақида сохта далолатнома тузишган. Далолатноманинг сохталигини билган ҳолда уни ниқоблаш мақсадида жамиятнинг бош механиги А.Тўраев, усталар Қ.Эшқувватов, Ю.Адизов, Қ.Ҳакимов, З.Қўшқаров, Б.Нарзиев, катта пресслочи Ш.Эшпўлатовга имзо қўйдиришган.

Yangi qonun mohiyati

Вояга етмаганлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолати

бу борадаги қонунчилик янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур қонунда меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш, ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги кафолатлар, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати ҳамда ушбу ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг устуворлигини таъминлаш мақсадида 2008 йил 4 апрелда **"Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"**ги Конвенция (Женева, 1973 йил 26 июнь) ҳамда 2008 йил 8 апрелда **"Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида"**ги Конвенция (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилинди.

Таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизда меҳнат соҳасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада уларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилишини назарда тутувчи бир қатор меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган вояга етмаганларнинг муҳим меҳнат ҳуқуқларидан яна бири - уларга нисбатан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланганлигидир. Хусусан, Меҳнат кодексининг 242-моддасига мувофиқ, иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар (таътил даврида ишлаётган ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар) учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади. Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати юқорида кўрсатилган тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади (Меҳнат кодексининг 245-моддаси). Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз ратификация қилган **"Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида"**ги Конвенциянинг 3-моддаси талабларига мос келади. Унга кўра, ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра, ўсмир соғлиғи, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш турига ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун энг кичик ёш ўн саккиз ёшдан кам бўлмаслиги кераклиги назарда тутилган.

Меҳнат кодексининг 247-моддасига кўра, ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи идоралар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақли эканликлари белгилаб қўйилган. Юқорида зикр қилинган Конвенциянинг 7-моддасида миллий қонун ҳужжатларида агар ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган шахсларга уларнинг соғлиғи ва ривожланиши учун зарарли бўлмаса, уларнинг мактабга қатнашига, уларнинг ваколатли ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган касбга йўналтириш ёки касбий тайёргарлик дастурларида иштирок этишларига ёки уларнинг олган билимларидан фойдаланиш лаёқатига зарар етказмайдиган бўлса, енгил ишларда ишлашга ёки ёлланиб ишлашга рухсат этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш ўринлики, мамлакатимиз Асосий қомусининг муқаддимасида белгиланганидек, Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ушбу қоидаларга оғишмай риоя қилиб келмоқда. Шу мақсадда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар давом эттирилиб, вояга етмаган шахсларга нисбатан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳамда вояга етмаган шахсни меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи **"Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 3 ноябрда қабул қилинди, Сенат томонидан 2009 йил 4 декабрда маъқулланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йил 21 декабрда имзоланди. Қонун 2010 йил 1 февралдан эътиборан кучга киради.

Мазкур қонун 3 та моддадан иборат бўлиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49, 51, 245-моддаларига қўшимчалар киритиш ҳамда уни 49¹-модда билан тўлдиришни назарда тутади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган тақдирда энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди. Шунингдек, 51-моддада ҳам, қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлов вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, у ҳолда энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилди.

Ушбу янги қонуннинг муҳим жиҳатларидан яна бири Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс **"Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш"** деб номланган янги 49¹-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ушбу қоидаларга оғишмай риоя қилиб келмоқда. Қолаверса, миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатлари, шунингдек, уларнинг ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. Бундан ташқари, ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш ишларига Хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод учун" ҳамда "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармалари сафарбар қилинганлиги ҳам ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб келинаётганлигини тасдиқлайди. Давлатимиз раҳбари томонидан фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш ишларига алоҳида диққат-эътибор қаратилаётганлигини 2010 йилга "Баркамол авлод йили" деб ном берилганида ҳам кўриш мумкин. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, **ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, биз кўзлаган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти ҳисобланади.**

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори

Huquqiy ma`rifat

Далил — ҳақиқатни аниқлаш манбаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда «Далил ўзи нима?» — деган табиий савол туғилади. Бу саволга Жиноят процессул кодексининг 81-моддасидан аниқ жавоб топиш мумкин. Яъни ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берганбермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчи, терговчи ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатмалари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади. Демак, далил айб ёки айбсизликни исбот қилиш учун асосий манба ҳисобланади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, далилларнинг мақбул бўлиши масаласи жиноят процессида мураккаблиги билан ажралиб туради. Негаки, айнан далиллар мақбуллиги айб ёки айбсизликни, шунингдек, айбнинг даражасини белгилайди ва қарор қабул қилишда асос вазифасини бажаради. Ҳар бир киши ўз манфаатларини ҳимоя қилишда, энг аввало, субъектив жиҳатдан ёндашади. Шу сабабли, далиллар мақбуллигини аниқлаш орқали ҳақиқат рўёбга чиқади.

Далилларга баҳо беришнинг умумий қоидалари Жиноят процессул кодексининг 95-моддасида кўрсатилган. Унга кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан тўлиқ, ҳар томонлама ва холислик билан кўриб чиққан ҳолда қонунга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли ҳолатлар хусусидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирда ишга алоқадор деб эътироф этилади. Белгиланган тартибда тўпланган ва Жиноят процессул кодексининг 92-94 моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ далиллар мақбул деб саналади. Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, фақат мақбул далилларгина адолат сари тўғри йўл кўрсата олади. Қолаверса, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар, умуман, ғайриҳуқуқий ҳаракатларнинг олдини олишга, уларни бартараф этишга, қонун устуворлигини таъминлашга, адолатни қарор топтиришга масъул бўлган давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан далиллар мақбуллигига оид қонун талабларига қатъий риоя қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарасини кучайтиради, уларнинг қонунларга сўзсиз риоя этишини таъминлайди.

Шавкатжон ШОДМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Кўрғонтепа тумани суди раиси

Burch

Зиммадаги масъулият

Асосий қонунимизнинг 51-моддасига кўра, фуқаролар қонун билан белгиланган солиқ ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар. Шундан ҳам кўринадики, белгиланган солиқ ва бошқа йиғимларни тўлаган киши жамият олдидаги мажбуриятини адо этиш баробарида Конституциявий бурчини ҳам бажарган ҳисобланади.

Шунингдек, солиқ ва бошқа йиғимларни ўз вақтида тўлашимиз халқ фаровонлигига, Ватанимиз тараққиётига маълум ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз. Бироқ орамизда зиммасидаги мажбуриятларни бажаришга панжа орасидан қарайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Ҳолбуки, солиқларни ўз вақтида тўламаслик қонунларни ҳурмат қилмаслик сифатида баҳоланиб, жавобгарликка сабаб бўлади. Натижада ўз вақтида тўланмаган солиқ суд орқали мажбурий ундирилади. Қолаверса, кечиктирилган ҳар бир кун учун пеня ҳам қўшиб олинади. Чунки Солиқ кодексининг 32-моддасига кўра, солиқ тўловчи солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши шарт бўлиб, 120-моддага асосан, солиқ қонунчилигига зид равишда ер ва мулк солиғининг тўлов муддати ўтказиб юборилганда ҳар бир кун учун 0,05 фоиз миқдорида пеня ҳисобланади. Қонун талабига биноан, солиқ ва устама жаримани ундириш эса суд тартибида амалга оширилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судида ҳам Шаҳрисабз тумани Давлат солиқ инспекциясининг даъво аризаси бўйича солиқ қонунчилигини бузиб, ер ва мулк солиғининг тўлов муддатини ўтказиб юборган, огоҳлантиришларга қарамай, қарзини узмай келаётган Н.Курбонов, С. Бобоқулов, А.Бозоров, А.Жўраев каби фуқароларнинг ишлари кўриб чиқилди. Суд иш юзасидан мавжуд далил ва ҳужжатларни батафсил ўрганиб чиққач, даъвони қаноатлантиришни лозим топди.

Шунингдек, суд жавобгар Т. Турдиев ва бошқаларнинг солиқлардан қарзини ундириш бўйича даъвогар Китоб тумани Давлат солиқ инспекцияси киритган даъво аризасини ҳам атрофлича кўриб чиқди ва Фуқаролик процессуал кодексининг 203-, 206-, 224-моддаларига асосан, фуқаролар зиммасидаги қарзини туман солиқ инспекцияси фойдасига мажбурий тарзда ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Қонунларга итоат этган, масъулиятни чуқур англаб, солиқларни, маҳаллий тўловларни тўлаш билан зиммасидаги мажбуриятларини адо этаётган кишининг жамият олдида юзи ёруғ, кўнгли хотиржам бўлади. Аксинча, тўловларни ўз вақтида адо этмаган киши қонун олдида ҳам, жамият назарида ҳам эътибордан қолади.

Бекзод ГАДОЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро суди раиси

Mezon

Суд қарори

уни бажариш барча учун мажбурийдир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жиноят кодексининг 44-моддасида агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро қилиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, шунингдек, кечиктириш муддати тугаганидан сўнг жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда суд жаримaнинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойини энг кам иш ҳақининг ўн олти баробари миқдоридаги жаримага тенглаштириб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамоқнинг ҳар бир ойи эса энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланиши белгиланган.

Фикримизнинг далили сифатида мисолларга мурожаат этсак, У.Фахриддин 2008 йил 30 октябрда «Ўзтрансгаз» «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси Жиззах вилояти мувофиқлаштириш бошқармаси «Жиззахшаҳаргаз» филиали директори вазифасини бажарувчи лавозимига тайинланганч, давлат мулкини билганича тасарруф эта бошлайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 11 февралдаги **«Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорининг 2-бандида коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўламаган истеъмолчиларни ўрнатилган тартибда ушбу манбалардан узиб қўйиш шартлиги ва газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб олган қоидабузарлар жиноий жавобгарликка тортилиши назарда тутилган. Аммо У.Фахриддин мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, вазифасига совуққонлик билан қаради ва ушбу қарор талабларини қўпол равишда бузади. Яъни қўплаб корхона, ташкилот, хусусий ошхона, чойхоналарнинг дебиторлик қарздорлиги «Жиззахшаҳаргаз» филиали улгуржи истеъмолчилар бўйича инспекторлари томонидан аниқланиб, уларнинг қарздорларни газ тармоғидан узиш тўғрисидаги сўровномаларини У.Фахриддин асоссиз равишда рад этади ва «Жиззахшаҳаргаз» манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказади.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди ушбу жиноят ишини кўриб чиқиб, У.Фахриддинни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топди ва ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ўтказиш шарти билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Шунингдек, ташкилот, корхона ва муассасаларда масъул ва мансабдорлик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан 1,5 йилга маҳрум этиб, энг кам иш ҳақининг 150 баравари миқдорида жарима жазоси белгилади.

У.Фахриддин белгиланган вақтда жаримани тўламагач, суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлими катта ижрочисининг жарима жазосини бошқа жазо турига алмаштириш ҳақидаги тақдимномаси жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судида кўриб чиқилди. Натижада суд Жиноят кодексининг 44-моддасидан келиб чиқиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиб, 9 ой 10 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштириб, белгиланган 2 йил ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмай қолган қисмини ҳам жазога тўлиқ қўшиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан узил-кесил 2 йил 5 ой 17 кун ахлоқ тузатиш жазосини белгилади.

Қонунчиликка мувофиқ, ахлоқ тузатиш ишлари шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ, маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи идоралар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади. Бу жазо тури олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади. Агар шахс суд тайинлаган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг ўндан бир қисмидан кўпроғини ўтащдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

Қонун талабларидан кўриниб турибдики, суд ҳукмини бажармаслик оғирроқ жазо белгиланишига сабаб бўлади. Шундай экан, инсон билиб-билмай қонунга хилоф равишда иш қилиб, тегишли жазони олдими, демак, масъулиятни ҳис қилиб, уни ўташи шарт. Чунки суд қарорини бажариш ҳамма учун мажбурийдир.

Мўмин ШУКУРУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди раиси

муқаррарлиги

тамойили одамлар дунёқарашида ўзгариш ясамоқда

Шундан сўнг судланувчилар мансабни суиистеъмол қилиб, моддий наф кўриш мақсадида қалбакилаштирилган далолатномадан расмий ҳужжат сифатида фойдаланиб, далолатномани жамият бухгалтериясига тақдим этган.

Суд ҳайъати дастлабки тергов томонидан судланувчилар — У.Мирзаев, Ф.Рўзиев ва Ҳ.Ҳомидовнинг жиноий қилмишини Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисми ва 167-моддаси 3-қисми «а» банди билан тўғри малакаланган деб топди. Суд судланувчи У.Мирзаевга ойлик иш ҳақидан ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш билан уч йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади. Судланувчилар — Ф.Рўзиев ва Ҳ.Ҳомидовга ҳар ойлик иш ҳақидан йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш билан икки йилдан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгиланди. У.Мирзаев уч йил, Ф.Рўзиев ва Ҳ.Ҳомидов икки йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Гап шундаки, туман судининг ажрими билан ҳар учала судланувчи 2009 йилнинг 17 июнидан эҳтиёт чораси ўзгартирилиб қамоққа олинганди. Ана шу қамоқда ўтирган ҳар бир кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўн беш куни ўталган деб ҳисобланиши қайд этилди. Судланувчилар етказилган зарар ўрнини қоплаганликлари боис суд залидан озод қилинди.



Бугунги кунда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида туб ислоҳотлар амалга ошгани, инсонпарварлик тамойиллари қонунларимизга сингдирилгани, жазонинг муқаррарлиги тушунчаси устуворлик қилгани боис У.Мирзаев, Ф.Рўзиев ва Ҳ.Ҳомидовларга яхши имконият бўлди. Акс ҳолда улар озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилган, оиласи, фарзандлари, қавм-қариндошларидан бир неча йил айриликда бўларди. Бундан чиқадиган хулоса эса оддий: жиноят содир этган, айбига иқрорлик ва пушаймонлик билдирган шахс бундан кейин жазонинг муқаррарлигини тўла англайди ва бу каби қилмишдан тийилади.

Абдуваҳоб ХЎЖАМОВ,
жиноят ишлари бўйича Навбаҳор тумани суди раиси

Мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётгани барчамизга маълум. Айниқса, жойларда тадбиркорликни янада ривожлантириш учун банклар томонидан кредит маблағларининг ажратилаётганлиги тадбиркорларга фаолиятини кенгайтириши учун муҳим омил бўлаётгани шубҳасиз.

Qilmish-qidirmish

Ҳалоллик инсон умрини безайди

нопоклик, фирибгарлик эса жазосиз қолмайди

Бироқ меҳнаткаш, омилкор, ишнинг кўзини билувчи, ҳалол тадбиркорлар орасида «тадбиркор» деган номга нолойиқ кимсаларнинг ўралашиб юргани кишини афсуслантиради. Қолаверса, бундай фирибгарлар мавжуд имкониятлардан ўринли фойдаланиш ўрнига нафс қутқусига учиб, давлат маблағини ҳавога совуради, оқибатда давлат, жамият манфаатига катта зарар етказади.

Қаршилик Убайдулла Бердиевни ҳам ана шундай кимсалар тоифасига киритиш мумкин.

— Хабарингиз бор, яқинда хусусий корхона очдим. Банкдан кредит олмасам, ишларим ҳеч юришмаяпти, — деб қолди Убайдулла бир куни қишлоқда фермерлик қилаётган акаси Усмон Бердиевга. — Кредит олиш учун эса гаровга мулк қўйиш керак экан.

(Давоми тўртинчи бетда)

Munavvar lahzalar

Амир Темур гурунги

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Милодий 1779 йилда Ҳиндистонга келган инглиз майори Уильям Деви қўлга туширган ва кейинчалик 1783 йилда инглизчага таржима қилинган нусха айни ўша Мир Абу Толиб Ҳусайний ат-Турбатий кўчирган нусха эканлиги билан қадрлидир. То эски ўзбек (чиғатой) тилидаги аслият топилгунча, мазкур нусхани "Темур тузуклари"нинг бирламчи манбаси сифатида қабул қилишга ва фикр юритишга тўғри келади.

Инглизча нашрга кенгроқ тўхталамиз. Инглиз зобити, айни пайтда уларнинг иккинчи касблари, одатда, шарқшунослик бўлади — майор Уильям Деви хизмат сафари билан Ҳиндистонда бўлган пайтда, юқорида айтилганидек, милодий 1779 йилда Мир Абу Толиб Ҳусайний ат-Турбатий нусхасини қўлга киритади ва унинг фавқулоддда нодир асар эканини англаб, Буюк Британияга олиб кетади. Кенг кўламли инглиз ўқувчилари даврасини Шарқнинг ноёб дурдонаси билан таништириш мақсадида яна бир инглиз майори, у ҳам шарқшунос, Жозеф Уайт билан биргаликда "Темур тузуклари"ни китоб ҳолида босиб чиқариш ишларига киришади. Жозеф Уайт форсча матнни тайёрлайди, Уильям Деви асарни инглиз тилига таржима қилади, изоҳлар илова этади.

Маълумки, "Темур тузуклари"ни Амир Темур ёзганига, ҳатто асар эски ўзбек тилида битилганига шубҳа билдирувчилар ҳам бор. Албатта, бундай фикрларга бугунги темуршунослик фани рад жавобини беради. "Тузуклар" Амир Темур қаламига тегишли эканини ундаги тарихий фактлар, келтирилган воқеалар, давлатни бошқариш тажрибалари, ҳаётий қонунлар Соҳибқирон каби зукко, билимдон сиёсатчи, олим кишининг қўлидангина кела олиши мумкинлиги кўрсатиб турибди.

"Темур тузуклари" инглизча нашрининг титул варағида инглиз тилида ёзилган қуйидаги сўзлар ҳам юқоридаги фикрни очиқ-ойдин тасдиқлайди:

Буюк Темур томонидан ёзилган сиёсий ва ҳарбий тузуклар... Биринчи марта форс тилига Абу Толиб ал-Ҳусайний таржима қилган, ундан инглиз тилига Майор Деви ўгирган..." (Oxford. At Te Clarendon-Press. London, 1783).

Демак, инглиз таржимони асар эски ўзбек тилидан форс тилига таржима қилинганини уқтирмоқда, ўзи эса ана шу форсча матндан инглиз тилига ағдарганини таъкидламоқда. Бу жуда муҳим ҳужжат. Лекин айрим ҳолларда баъзи тадқиқотчилар бунга эътиборсизлик билан қарайдилар. Бундай ҳол билан келишиш қийин, албатта.

Тарихшунос олим Убайдулла Уватовнинг "Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида" номли китобида араб олими Мазҳар Шиҳобнинг Соҳибқиронга бағишланган йирик тадқиқотига тўхталади. Шунга диққатни қаратиш лозимки, Убайдулла Уватов кўзга кўринган йирик шарқшунос олимларимиздан бири. Унинг Имом Бухорий, Маҳмуд аз-Замахшарий, насафлик алломалар ҳақидаги илмий изланишлари илмимиз мулкига айланган. Айниқса, Ибн Арабшоҳнинг икки жилдлик "Амир Темур тарихи"ни ўзбек тилига ўгириб, батафсил изоҳлар билан нашр этиб (Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Т., 1992) темуршунослик фанимизга катта ҳисса қўшганини таъкидлаш ўринлидир. Ушбу китобда, биринчидан, Амир Темур туғилган қишлоқ номининг келтирилиши, иккинчидан, Амир Темурни ўз кўзи билан кўрган одам сифатида, Соҳибқирон сиймосини таърифлаб бериши мазкур манбанинг муҳим эканлигини кўрсатади.

Мазҳар Шиҳоб тадқиқотига қайтайлик. Беш юз саҳифадан ортиқ мазкур асарнинг том маънода фундаментал тадқиқотлардан бири эканлигини эътироф этар экан, У.Уватов шундай ёзади: **"Тадқиқотнинг асосий қисми, етти бобдан ташкил топган бўлиб, ўз навбатида ушбу бобларнинг ҳар бири ҳам бир неча фасл (қисм)лардан иборатдир..."** *(У.Уватов. Соҳибқирон араб муаррихари нигоҳида. Т., 1997. 126-бет)*

Шундан сўнг муаллиф Мазҳар Шиҳоб тадқиқоти кўламига тўхталиб, унда Амир Темурдан олдин Мовароуннаҳрдаги тарихий ва жўғрофий манзаралари, «Мовароуннаҳр» атамаси, унинг ўша пайтдаги чегаралари, иқлими, сув иншоотлари, ўсимлик дунёси ҳамда қадим давлатлари тарихига назар, жаҳон (Европа, Ислом дунёси ва Жануби-Шарқий Осиё) мамлакатлари ўртасидаги сиёсий дипломатик муносабатлар таҳлили, Мовароуннаҳрдаги ички вазият, Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши, Мовароуннаҳрни мўғул мустамлакачиларидан озод қилиш йўлидаги ҳаракатлар, Соҳибқиронинг оилавий аҳволи, дин аҳлларига муносабати ва ҳоказо мавзулар таърифлари келтирилганини қайд этади.

Тадқиқотнинг энг муҳим бобларидан бири "Темур тузуклари"га бағишланганлиги эътиборлидир.

(Давоми бор)

Mulohaza

Бир умрлик бахтнинг калити

дабдаба эмас, меҳр-оқибат

Гўзал анъаналаримиздан бири – тўй маросимлари. Халқимиз тўйга ўзгача шодиёна, алоҳида қувончли воқеа деб қарайди. Яқинлар, қавму қариндош, ёр-биродарлар тўй баҳонасида дийдор кўришадилар. Шу билан бирга тўй дастурхонининг тўкинлиги халқимиз турмушининг фаровонлигидан далолат беради.

Тўйларимизда миллий қадриятларни ифодаловчи, ёшлар онгига эзгулик, ўзаро аҳил бўлиш, ҳурмат-эҳтиром руҳини сингдиришни кўзлайдиган маросимлар, шунингдек, тўйнинг жозибасини, қизиқарлилигини оширадиган урф-одатлар кўп. Бу маросимлар қаторига вақт ўтгани сайин янгидан-янги одатлар ҳам қўшилавериши тайин.

Ҳеч кимга сир эмас, тўй кунида ёшларнинг, айниқса, тўйи бўлаётган ёшларнинг кўнглига қарашни ҳар биримиз ўзимизга бурч деб биламиз. Улар нима деса, ҳаммасини муҳайё қилишга интиламиз. Лекин ана шу андиша, юзхотирчилик кутилмаганда панд бериши мумкин.

Илҳом яқинда сотиб олган «Жигули»сида дўсти Алишернинг тўйига борди. Сўнгги йилларда келин-куёвни ўнлаб машиналар қуршовида сайр қилдириш урфга айланди.

Ўша куни Илҳом ҳам - ёнида жўраси Ғиёс, орқа ўриндиқда келиннинг икки дугонаси — ҳаммага қўшилса-да, барчадан ажралиб туришни истагани учун машинасини гоҳ у ёққа-гоҳ бу ёққа олар, тинимсиз сигнал чалиб, шовқин-суронга зўр берарди.

«Фалокат оёқ остида», деганларидай, шу куни ҳам фожиа кутилмаганда рўй берди. Машиналар карвони кўчани тўлдириб кетаётганига қарамай Илҳом олдинга чиқиб олмоқчи бўлди. У шу ниятда тезликни ошириб, иккита машинани айланиб ўтди-ю... кўчани кесиб ўтаётган болани кеч пайқади...

Машина зарбидан учиб кетган бола ариққа қулади. Фалокатнинг олдини оламан, деган Илҳом эса рулни чапга бургани боис «Жигули» йўл четида турган фуқаро Х.Зоҳидовга тегишли «Нексия»нинг ортига бориб урилди. Афсуски, мактабдан қайтаётиб фалокатга учраган Озодбек эртаси куни шифохонада вафот этди.

Судланувчи Илҳом Қурбонов йигирма икки ёшда, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга эмас. У «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 3.1-, 12.2-, 12.1-, 3.5-ва 13.1-бандларида кўрсатилган талабларга амал қилмагани оқибатида мактаб ўқувчисининг ҳаётига зомин бўлди.

Албатта бундай кўнгилсиз ҳодиса содир бўлишини ҳеч ким истамайди. Судланувчининг оила аъзолари Илҳомнинг ҳайдовчилик гувоҳномасига эга эмаслигини билмасмиди? Машина бошқаришда тажрибасиз фарзандининг йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмасдан туриб, кўчада машина бошқаришига ота-онанинг лоқайд қараганини қандай изоҳлаш керак?

Бу каби саволлар кўп. Жавоб эса ҳар биримизга тегишли. Негаки, юз амри ширин, фарзандимизни ранжитишни истамаймиз. Аслида эса ўзимиз ва фарзандларимиз ҳаёти беҳавотир, кўнгилсиз ҳодисалардан йироқ бўлишини истасак, бундай чоғда юзхотирчилик дея беparволик қилгандан кўра эҳтиёткор бўлмоғимиз даркор. Бошқача айтганда, машина бошқараётган фарзандларимизга қаттиққўл бўлишимиз ва уларда йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш кўникмасини шакллантиришимиз зарур.

Албатта, суд Илҳомга қонуний жазо тайинлади. Бу нохуш ҳодиса эса ҳаммамизга сабоқ бўлмоғи керак.

Норкамол ТОШМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича
Ургут тумани суди раиси

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Жасоратли одамнинг қалби айни пайтда ишонч билан тўлади.

* * *

Жасурлар абадий яшамайди, албатта, бироқ қўрқоқлар умуман яшамайдилар.

* * *

Кимдир бугун шу дарахт соясидан баҳра олади. Сабаби анча вақт аввал кимдир шу дарахтни ўтқазган эди.

* * *

Фақат қилган амалларингизгина қадрингизни белгилайди.

* * *

Билим амалда қўлланмаса, бир чақалик қиймати йўқ.

* * *

Ўз-ўзига ёрдам беришни хоҳламаган инсонларга бошқалар ёрдам қўлини чўзишининг ҳеч маъноси йўқдир. Агар ўзи ҳаракат қилмаса, уни ҳеч кимса зинопоядан юқорига кўтара олмайди.

* * *

Табиатга муҳаббатимизнинг сабаби – ҳеч бўлмаганда, сабабларидан бири — табиатнинг биз одамларга ўхшаб рашк қилмаслиги ва алдамаслигидадир.



Табиат мўъжизаси

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Яқинда ўқишни тамомлаб, ишга кириш учун бир ташкилотга ариза бердим. Шунда маълум бўлдики, раҳбар билан ходим ўртасида меҳнат шартномаси тузилиши зарур экан. Айтинг-чи, ушбу шартнома қанча муддатга тузилади?

Ғ.ШОЙИМОВ,
Чиноз тумани

— Меҳнат кодексининг 75-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномалари:

- номуайян муддатга;
- беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;
- муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Кўчада кетаётиб қимматбаҳо буюм топиб олдим. Бу ҳақда тегишли идорага хабар бердим. Буюмнинг эгаси топилмади. Айтинг-чи, топилмага эгалик ҳуқуқини олишим мумкинми?

К.БАҲРОМОВ,
Чилонзор тумани

— Фуқаролик кодексининг 193-моддасида белгиланишича, топилма тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат идорасига хабар қилган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат идораси ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади.

Башарти, ашёни топиб олган шахс топилган ашёни мулк қилиб олишдан бош тортса, ашё давлат мулкига ўтади.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Qilmish-qidirmish

Ҳалоллик инсон умрини безайди

нопоклик, фирибгарлик эса жазосиз қолмайди

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Икки йиллик муддатга ўн миллион сўм олмоқчиман. У ёғини банкдагилар билан гаплашганман. Фақат ҳамма гап гаровга қўйиладиган мулкда қолди. Шунга... сиз ўзингизнинг иккита тракторингизни гаровга қўйишга розилик берсангиз...

Усмон ака икки ўт орасида қолди. Йўқ деса, жигарчилик, мулкни ўйлаб, жигардан кечдингми, деган таънага қолиши аниқ. «Икки йиллик муддат нима, ўтади-кетади», — деган қарорга келган Усмон ака техникаларни расмийлаштиришга рози бўлди.

Убайдуллага эса жон кирди. У елиб-югуриб, акасига тегишли «Т-150», «Т-4» русумли, тракторларни Нишон тумани давлат нотариал идорасида тузилган ипотека шартномасига гаров сифатида киритди. Энди кредитни олиш қолганди. Убайдулла ваъдани сувдай симирди, иши тушган кишиларнинг енгидан кириб, ёқасидан чиқди. Эҳ-ҳе, унинг хусусий корхона очгач, амалга оширадиган ишларини, тўғрироғи, ниятларини эшитган ҳар қандай кишининг ҳаваси келиши аниқ эди. Ниҳоят, Убайдулла мақсадига эришди: банк кредит берди.

Вилоят «Халқ банки»нинг Нишон тумани филиали билан тузилган 4-сонли шартномага асосан, У.Бердиев «Меҳнат бандлиги жамғармаси» ҳисобидан икки йил муддатга 5,3 фоизлик устама билан қайтариш шартига кўра ўн миллион сўм кредит олди. У ушбу маблағнинг уч миллион сўмини Тошкент шаҳридаги «IMKON QURUVCHI BIZNES» МЧЖ ҳисобига ўтказиб, у ердан 2 та музлатгич харид қилди. Сўнг негадир музлатгичлардан бирини нотаниш кишига бир ярим миллион сўмга пуллаб юборди.

Аслида «SAH TOXIP OKEAN» хусусий корхонаси фаолиятини ташкил этган У.Бердиев, бизнес режасига биноан, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши керак эди. Бироқ берган сўзнинг устидан чиқишдай масъулиятни унутган Убайдулла Бердиев пулни пулга уриб, бойимоқчи бўлди ва бунинг антиқа «йўл»ини ўйлаб топди.

«Қарға қарғанинг кўзини чўқимас», деганлари рост экан. У.Бердиевнинг қонунга тескари ишларида ёрдам берувчи кимсалар-да топила қолди. Шундайлардан бири Азим Худоёров эди.

Убайдулланинг «пулни айлантириш» нияти борлигини эшитган Азим муддаога кўча қолди:

— Саодат деган қариндошим чорвачилик бўйича якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланади. Банкка (А.Худоёров муқаддам «Халқ банки»нинг вилоят бўлимида ишлаганлигини назарда тутарди) тегишли одам бўлганлигим учун унинг фолияти билан қўпинча ўзим шуғулланаман. Агар истасангиз, маблағингизни Саодатнинг ҳисоб рақамига кўчириб, эвазига мол олиб беришим мумкин.

Бу «ёғли таклиф» Убайдуллага ёқиб тушди. Иккаласи гапни бир жойга қўйиб, тадбиркор Саодат Бурҳонова номидан икки томонлама шартнома тузишади. Шундан сўнг ҳамтовоқлар вилоят «Халқ банки»нинг Нишон филиалидан хусусий корхона раҳбари У.Бердиев ҳисобидаги етти миллион сўм депозитдаги маблағни вилоят «Халқ банки»нинг Қарши шаҳар филиалидаги тадбиркор С.Бурҳонованинг ҳисоб рақамига ўтказишади. Қизиғи шундаки, фирибгарларнинг бу қилмишидан якка тартибдаги тадбиркор С.Бурҳонова ҳам бехабар қолади.

Эндиликда жиноий шериклар олдида мазкур маблағни нақд пулга айлантириш масаласи кўндаланг турарди. Ҳийлагарга макр қаҳатми, ҳамтовоқлар бунинг йўлини ҳам топишди.

Вилоят «Халқ банки»нинг Қарши шаҳар филиали собиқ бошқарувчисини бир амаллаб кўндириб, банкка сохта ҳужжатларни тақдим этишди ва тадбиркор С.Бурҳонованинг номига олти миллион тўққиз юз минг сўмни нақд пул кўринишида олишди.

Хуллас, У.Бердиев мақсадига эришди: маблағни қўлга киритгач, давлат ғазнасидан олинган пулни кўнгли истаганча сарфлай бошлайди. «Ҳамма нарсани ҳисобга олдим», деб ўйлаган бу фирибгар кимса бир жиҳатни эътибордан соқит қилганди: у шаҳар бедарвоза эмаслигини, ҳар қандай қинғирликнинг кун келиб сўроғи борлигини мутлақо унутиб қўйганди. «Халқ банки»нинг вилоят бўлими маъмурияти томонидан мониторинг-текширув ўтказилганда, «ишбилармон»нинг «ҳунар»лари фош бўлиб қолди ва орадан кўп ўтмай У.Бердиев устидан жиноий иш қўзғатилди.

Суд У.Бердиевдан икки йиллик муддатга олинган ўн миллион сўм кредит-маблағни устама фоизи билан давлат фойдасига ундиришга, шунингдек, Жиноят кодексининг тегишли талабига кўра унга нисбатан жазо тайинлашга ҳукм чиқарди.

Жиноятчи айбига яраша жазо олди, аммо унинг қилмишлари кишини ҳайрон қолдиради. Худди йўқдан бор қилгандай, У.Бердиев жиноий қилмишларини содир этишда бемалол ҳаракат қилган. Эътибор берилса, бу каби қинғирликлар Убайдулла сингариларнинг ўзлари қилаётган иш эмаслиги, уларнинг «тегирмон»ига А.Худоёровга ўхшаган кимсалар сув қўяётгани аён бўлади. Шундай экан, фириб еб қолмаслик учун ҳар биримиздан зийраклик, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Шаҳриддин ЭШИМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Нишон тумани суди раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Фаридун ЖАЛИЛОВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
Тел.: 239-02-54, 239-02-55.

Буюртма Г-19. Қоғоз бичими А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 9000.
1 2 3 5 Топширилди: 22 00